# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 96 (8.680) ◆ 1995 йил ◆ 18 август, жума ◆ Сотувда эркин нархда


**Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўрт йиллиги олдидан**

# МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ



**СУРАТДА:** мажлис пайти. Р. Жуманиёзов (ЎзА) олган сурат.

1995 йил 16 август куни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгашининг биринчи мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим муаммолари муҳокама қилинди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасида миллий хавфсизлик кенгашини тузиш зарурлигини асослаб берган эди.

Кенгаш давлатнинг юқори мансабдор шахсларининг маслаҳат органи бўлиб, миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича давлат сиёсати қоидаларини белгилаб бериши, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг комплекс дастурларини ишлаб чиқиши лозим.

Шунга мувофиқ, 1995 йил 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик кенгаши тўғрисида»ги Фармони чиққан ва унда кенгаш таркиби ва Низоми тасдиқланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — Кенгаш Раиси биринчи мажлисда сўзга чиқиб, Миллий хавфсизлик кенгашининг вазифаларини белгилаб берди.

Мажлисда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА).

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

# ПЕНСИЯЛАР, НАФАҚАЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА РЕСПУБЛИКАНИНГ БЮДЖЕТ МУАССАСАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш ва меҳнат ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини ошириш мақсадида:

1. 1995 йил 1 сентябридан бошлаб Узбекистон Республикасининг ҳудудида:

иш ҳақининг энг оз миқдори — ойига 250 сўм;

меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори — ойига 645 сўм;

фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади энг оз миқдори — ойига 400 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряднинг энг оз миқдори — ойига 400 сўм миқдорида белгилансин.

2. 1995 йил 1 сентябридан:

бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,33 баравар;

мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, бошқа халқ таълими муассасалари ўқитувчиларининг, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбарларининг иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича разрядни ошириш ҳисобига ўртача 1,5 баравар кўпайтирилсин.

3. 1995 йил 1 сентябридан бошлаб ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турдаги пенсияларнинг, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг миқдорлари ўрта ҳисобда 1,33 баравар оширилсин.

4. 1995 йил 1 сентябридан қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун оналарга нафақалар миқдори ойига 350 сўм;

болалигидан ногиронлар учун нафақалар миқдори ойига 645 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун нафақалар миқдори ойига 400 сўм.

5. Иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу Фармонда кўрсатилган энг оз иш ҳақи миқдори асосида 1995 йил 1 сентябридан бошлаб амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларига асосланиб пенсиялар, нафақалар, стипендияларнинг ва ходимлар мансаб окладларининг миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

7. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ошириш билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва ижтимоий суғурта фонди ҳисобидан қоплансин.

8. Бюджет ҳисобидан пул билан таъминланувчи муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларини рағбатлантириш мақсадида уларга меҳнат ҳақи фондининг 15 фоизи миқдорида ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фондини ташкил қилишга рухсат берилсин.

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига мазкур фонд маблағлари ҳисобидан ходимларнинг иш ҳақига шахсий устама ҳақларни белгилаш ҳуқуқи берилсин.

Ана шу фондни ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлар 1995 йилда меҳнат ҳақи фондини тежаш ҳисобидан, 1996 йилдан бошлаб эса республика бюджети ҳисобидан қоплансин.

Молия вазирлиги бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисида Низомни тасдиқласин ҳамда уни аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланилиши устидан таъсирчан назоратни амалга оширсин.

9. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар иш ҳақини ўзларининг даромад манбалари ҳисобидан меҳнат ҳақи фонди доирасида оширсинлар ва бунда мазкур Фармон билан белгиланган энг оз иш ҳақи кўпайтирилишини таъминласинлар.

10. Узбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 7 февралдаги 1080-сон Фармони (4-банди бундан мустасно) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 16 август.

# «ПЕНСИЯЛАР, НАФАҚАЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА РЕСПУБЛИКАНИНГ БЮДЖЕТ МУАССАСАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон ҳукумати республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини доимо диққат марказида тутиб келмоқдалар. Мамлакатимиз Президентининг ушбу Фармони ҳам бунинг далили бўлиб, уни рўёбга чиқаришга фақат шу йилнинг охиригача республика бюджетидан 6 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади, бир йилга ҳисоблаганда эса 18 миллиард сўмни ташкил қилади.

Бу эса хизматлари эвазига ҳақли равишда дам олаётган фуқароларнинг барча турдаги пенсияларини, шунингдек, республика олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияларини ўрта ҳисобда 1,33 баравар кўпайтириш имконини беради. Меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори 1,5 баравар ошириладн ва 645 сўмни, стипендиялар миқдори эса 565 сўмни ташкил қилади. Шу мақсадлар учун бюджетдан 2,3 миллиард сўм маблағ сарфланади.

Бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун оналарга бериладиган нафақалар 1,4 баравар оширилади, болалигидан ногиронлар учун нафақалар эса 1,6 баравар кўпайтирилади ва ойига 645 сўмни ташкил қилади. Бунинг учун йил охиригача бюджетдан 500 миллион сўм маблағ ажратиш талаб этилади.

1 сентябрдан бошлаб энг оз иш ҳақи миқдори 1,7 баравар оширилади ва у 250 сўмни ташкил этади. Фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади ойига 400 сўм миқдорида белгиланаяпти. Бюджет муассасалари ва ташкилотларда иш ҳақи 1,33 баравар кўпайиб, ўрта ҳисобда 910 сўмни ташкил қилади, бу эса йил охиригача 3 миллиард сўмдан кўпроқ қўшимча маблағ ажратилишини тақозо этади.

Шу билан бир қаторда Фармонда бюджет муассасаларига ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида меҳнат ҳақи фондининг 15 фоизи миқдорида махсус фонд ташкил қилишга рухсат берилади.

Республикада халқ таълими ва олий таълим тизими ходимларига ҳамиша катта эътибор бериб келинди. Фармонда мактаб ўқитувчиларининг, олий ўқув юртлари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақини 1,5 баравар ёки ўрта ҳисобда 400 сўм кўпайтириш кўзда тутилган.

Мазкур Фармонда назарда тутилаётган чора-тадбирлар фақат бюджет маблағлари ҳисобидангина Ўзбекистон аҳолисидан салкам 4,5 миллион кишининг моддий аҳволини яхшилаш имконини беради.

Бундан ташқари, республиканинг хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларига иш ҳақини ўзларининг даромад манбалари ҳисобидан меҳнат ҳақи фонди доирасида ошириш ва бунда мазкур Фармонга мувофиқ энг оз иш ҳақи кўпайтирилишини таъминлаш тавсия этилган.

# БУГУНГИ КУН НАФАСИ

## МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Вазирлар Маҳкамасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков раислигида 26 августда Тошкент шаҳрида бошланадиган теннис бўйича Президент Кубоги учун мусобақани ўтказишга тайёргарлик бўйича ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

❑ Қозоғистоннинг қўшни Мангқистов вилояти вакиллари Нукусда бўлиб, Қорақалпоғистон билан ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама этдилар.

❑ Жарқўрғон туманида уруғлик пахта теримига киришилди.

❑ Бухоро шаҳрида Бухоро ва Навоий вилоятлари тадбиркорларининг бизнес анжумани ўтказилди. Ана шундай анжуман кеча Тошкент вилоятида ҳам бўлиб ўтди.

❑ Камчик довонидан ўтадиган, Фарғона водийсини Тошкент билан боғлайдиган 52 километрли йўл қурилиши ниҳоясига етмоқда.

❑ Қашқадарёда Мустақиллик кунининг тўрт йиллигигача 120 дан кўпроқ иншоотни фойдаланишга топшириш мўлжалланган. «Каштекс» тўқимачилик комбинати, Касбидаги Германиянинг «Винклер» фирмаси асбоб-ускуналари ўрнатилган нон заводи, Муборакдаги 15 минг ўринли стадион, Қаршидаги «Яшил театр» шулар жумласидандир.

❑ Бугундан 1 АҚШ долларининг сотиб олиш ва сотиш тижорат қиймати 31 сўм 50 тийин бўлди.

## ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Бугун Россия Бош вазирининг ўринбосари Алексей Большаков Алматига келади. У Қозоғистон раҳбарияти билан Россия, Беларусь ва Қозоғистон ўртасида имзоланган божхона иттифоқини амалга ошириш масалаларини муҳокама этади.

❑ Тансу Чиллернинг Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистонга беш кунлик расмий ташрифи ниҳоясига етди. Кеча у Ашхабодда Президент Сапармурод Ниёзов билан Туркманистон ва Туркия ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга оид қатор ҳужжатларни имзолади.

❑ Чеченистонда дудаевчиларни қуролсизлантириш жараёни бошланди. Кеча Шали ва Гудермес шаҳарларида Чеченистон айрим қуролли бўлинмалари Россия федерал қўшинларига ўз қурол-яроғларини топширдилар.

❑ Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев Конституциявий мажлисда яқинда бир гуруҳ генераллар мамлакатда ҳарбий тўнтариш қилишга уринганликларини расман баён этди. Улар ҳозир ҳибсга олинган.

❑ Кеча Кемерово шаҳрида оиласи ночор шароитда бўлган, ўзи ишсиз 23 ёшли Евгений Жеренков қўлидаги икки граната билан таҳдид этиб, тўрт йўловчи бўлган автобусни қўлга олди. Хавфсизлик хизмати ходимлари бир неча соатлик музокаралардан сўнг бирор қурбонсиз террорчини ушлашга муваффақ бўлишди.

❑ Бугун Россия чегара хизматининг директори Андрей Николаев Душанбега келади. У Тожикистон раҳбарияти билан сўнгги кунларда аҳвол тобора мураккаблашаётган тожик-афғон чегарасидаги вазиятни муҳокама этади.

❑ Машҳур эстрада юлдузи Алла Пугачёва шу йил 1 сентябрдан бошлаб вақтинча саҳнани тарк этишини эълон қилди. У ўзини оиласига, бўлажак фарзанди тарбиясига бағишламоқчи.

## ХОРИЖДА

❑ Венада икки томонлама ташқи иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон-Австрия битими имзоланди. Унга мувофиқ томонлар савдода бир-бирига энг қулай шарт-шароит яратиб бериш, шунингдек ўзаро фойдали соҳаларда ҳамкорлик қилиш, ҳар икки мамлакат пойтахтида савдо ваколатхоналари очишга қарор қилганлар.

❑ Кеча Хитойда шу йил бошидан бери иккинчи марта ер ости ядро синови ўтказилди.

❑ Колумбияда 90 кун муддатга фавқулодда ҳолат жорий этилди. Бу мамлакатда ғоят кескин тус олаётган жиноятчиликни жиловлаш мақсадида қилинди.

❑ Ҳозирнинг ўзида Югославия Иттифоқ Республикасига Серб Краинасидан 135 минг қочоқ келди. Яқин орада яна камида 200-300 минг сербларнинг бу ерга келиши кутилмоқда.

❑ Америкада чиқадиган «Форбс» журнали маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда жаҳонда бойлиги АҚШ доллари ҳисобида 1 миллиарддан кўп бўлган 358 киши бор экан. Бу рўйхатни «Майкрософт» корпорациясининг эгаси Билл Гейтс бошлаб беради. Унинг бойлиги 12,9 миллиард долларни ташкил этади. Яна бир америкалик сармоядор Уоррен Баффетт эса 10,7 миллиард доллар бойликка эга экан. Ўтган йил бу рўйхатда биринчи ўринда бўлган япониялик тижоратчи Иосиаки Цуцумининг бойлиги 500 миллион долларга кўпайиб, 9 миллиард долларга етса ҳам унга учинчи ўрин насиб этди, холос.

*20 август — Ўзбекистон Республикасининг ҳаво флоти куни*

# МАМЛАКАТИМИЗ ЛОЧИНЛАРИ

***Республикамиз ҳаво флоти ходимлари учун бу йил ўзгача йилдир. Чунки улар биринчи бор Ўзбекистон Республикаси ҳаво флоти кунини байрам қиладилар. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг яқинда чиқарган Фармонида бундан буён август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон Республикасининг ҳаво флоти куни» этиб белгиланди.***



... Тошкент аэропортида куну тун ҳаёт қайнайди. Бу ердан дунёнинг турли бурчакларига парвоз этаётган ва жаҳоннинг кўпгина давлатларидан учиб келиб ўзбек заминига қўнаётган самолётларнинг сон-саноғи ниҳоятда кўп. Ҳозирги пайтда қарийб 20 та мамлакатга мунтазам равишда йўловчи ва юкларни элтиб бериш йўлга қўйилган. Германия, Англия, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Хитой, Таиланд, Саудия Арабистони, Малайзия, Сингапур, Жанубий Корея, Нидерландия каби мамлакатларга ҳаво йўллари очилди. Яқиндан бошлаб Нью-Йорк, Париж, Рим, Қоҳира, Хошимин шаҳарларига ҳам парвозлар бошланди.

Айни кунларда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раҳбарияти Японияга мунтазам самолётлар қатнови тўғрисидаги масала хусусида бош қотирмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, ўтган йилнинг ўзидагина Тошкент аэропортининг халқаро линияларга йўловчилар оқими 20 фоизга кўтарилди, авиакомпания хизматидан бир миллиондан зиёд киши баҳраманд бўлди.

... Мана, Тошкент заминига Лондондан учиб келган навбатдаги А— 310 самолёти оҳиста қўнди. Тошкент аэропорти халқаро ташиш хизматининг ходимлари экипаж аъзоларини биринчи бўлиб қаршилайдилар. Биз ана шу хизмат бошлиғи Равшан Тўлаганов билан гаплашдик. У ўз сўзида кейинги уч йил мобайнида уларнинг хизмати уч бараварга ошганлигини таъкидлади.

— Агар биз, — дейди суҳбатдошимиз, — авваллари ҳафтасига бор-йўғи 7-8 рейсни қабул қилган бўлсак, эндиликда уларнинг сони ҳафтасига 100 та рейсдан ошиб кетди. Шу боисдан халқаро ташиш хизматида ишлаш кишидан юксак маҳорат ва масъулият талаб этади. Шунинг учун ҳам бизда ишлайдиганлар дунёда бўлаётган воқеалардан яхши хабардор бўлиши, бизга ташриф буюрадиган меҳмонлар келган мамлакат тарихини яхши билишлари керак. Халқаро ташиш хизматида 300 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Зиё Низомов, Наташа Ушакова, Бахтиёр Ҳакимов ва Нина Сливкина бош бўлган тўрт смена аъзолари туну кун йўловчилар хизматида.

Оқшомхонлар эътиборига ҳавола этилаётган ушбу суратда ҳам ўз касбининг фидойилари тасвирланган. Улар ўзларининг касб байрамлари — Ўзбекистон Республикасининг ҳаво флоти кунини ИЛ-62 ҳаво кемасида ажойиб парвозлар қилиб кутиб олаётган фидойилардир. Булар — (чапдан-ўнгга) штурман Г. Крюков, бортмуҳандис О. Ефстифеев, иккинчи учувчи А. Федотов, ҳаво кемасининг капитани М. Сорокин, бортрадист М. Усеновлардир. Бу беш ўғлон ўзларининг сидқидилдан қилаётган меҳнатлари билан кўпчилик ҳурматига сазовор бўлган. Экипаж аъзоларига янги йўналиш — Тошкент— Афина — Тошкент йўналиши бўйлаб биринчи рейсда парвоз этиш ишониб топширилди. Сураткашимиз уларни Греция пойтахтига парвоз этаётган пайтда тасвирга туширди.

Парвозингиз доимо яхши ўтсин, мамлакатимиз лочинлари!

Саид СОЛИЕВ.

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

# ЯНГИ НОМЛАР

***Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлаганов маҳалла қўмиталари, меҳнат жамоалари, ташкилотлар, ижодий уюшмалар ҳамда жамоатчилик вакилларининг расмий илтимослари ва шаҳар Атамалар комиссиясининг таклифларини кўриб чиқиб, Тошкент шаҳридаги айрим кўчалар ва объектлар номларини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди.***

Ушбу қарорга мувофиқ:

**Яккасарой туманида:**

Карл Либкнехт кўчаси — Академик Восит Воҳидов кўчаси;

**Мирзо Улуғбек туманида:**

Свердлов кўчаси — Махатма Ганди кўчаси;

Свердлов 1-тор кўчаси — Махатма Ганди 1-тор кўчаси;

Свердлов 2-тор кўчаси — Махатма Ганди 2-тор кўчаси;

Римский-Корсаков кўчаси — Қиёт кўчаси;

Ўқитувчи «А» кўчаси — Ғалабанинг 50 йиллиги кўчаси;

Котов кўчаси — Малик Ҳакимов кўчаси;

Кропоткин кўчаси — Раҳмонберди Икромов кўчаси;

Кропоткин 1-тор кўчаси — Раҳмонберди Икромов 1-тор кўчаси;

Пржевальский тор кўчаси — Раҳмонберди Икромов 2-тор кўчаси;

**Юнусобод туманида:**

Чита кўчаси — Дарвозакент кўчаси;

Обский кўчаси — Қоранкўл кўчаси;

Новгород кўчаси — Бўзсувбўйи кўчаси;

Шчорс кўчаси— Шивли кўчаси;

Авиценна кўчаси — Фахри Камол кўчаси;

**Шайхонтоҳур туманида:**

4-Тинчлик тор кўчаси — Маҳмуд Маърупов тор кўчаси;

**Миробод туманида:**

Грант Оганьянц 2-тор кўчаси — Сарбон кўчаси;

Грант Оганьянц кўчаси — Сарбон берк кўчаси;

Грант Оганьянц 1-тор кўчаси — Сарбон 1-тор кўчаси;

Грант Оганьянц 4-тор кўчаси — Сарбон 2-тор кўчаси;

Грант Оганьянц муюлиши — Сарбон 3-тор кўчаси;

Грант Оганьянц 3-тор кўчаси — Грант Оганьянц тор кўчаси;

**Сирғали туманида:**

Қорайўл кўчасининг «Қипчоқ» маҳалласи қисми — Қипчоқ кўчаси;

Ҳамид Олимжон кўчаси — Файзли кўчаси;

Оржоникидзе кўчаси — Ўзар кўчаси;

**Собир Раҳимов туманида:**

Мевазор 1-тор кўчаси — Турсун Собиров кўчаси;

Озод кўчаси — Академик Ҳалим Усмонхўжаев кўчаси деб ўзгартирилди.

Тегишли бош бошқарма ва бошқармалар, туман ҳокимликларига мазкур қарор бўйича ўзгаришларни бир ойлик муддат ичида амалга ошириш вазифаси юклатилди. Уларга аҳолини қайта рўйхатдан ўтказиш, янги кўрсаткичлар ҳамда номи қўйилган кишилар ҳақида маълумот берувчи ёзув лавҳаларини, шу кўчанинг тасвирини ифодаловчи чизмалар тахтасини ўрнатиш, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, ижтимоий-таъминот, ўт ўчириш ва алоқа идораларини ушбу ўзгартиришлардан хабардор этиш топширилди.

Ушбу қарорга кўра шаҳар Атамалар комиссияси Топонимия комиссияси деб қайта номланди, унинг янги Низоми ва таркиби тасдиқланди.

